

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqib boshlagan

2019-yil 11-aprel, payshanba 28 (8995)-son

web sayti: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИНГ СТАТИСТИКА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда статистика ахборотидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, давлат статистика ҳисоботини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан изчиллик билан чоралар кўришмоқда. Интернетдаги йўл маълумотларнинг миллий саҳифаси Халқаро валюта жамғармаси маълумотларини тарқатишни кенгайтирилган умумий тизими билан уйғунлаштирилди. Шу билан бирга, ахборотларнинг умумий фойдаланиш учун очиқлик ҳолати, очиқ маълумотларнинг ошқоралик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишни амалдаги механизмлари қабул қилинган халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермайдиган ва натижада мамлакатимизнинг статистика салоҳияти индексидаги ўрни пастлигича қолмоқда.

Мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибадорлигини мустаҳкамлашга қаратилган, давлат бошқаруви оқчилиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва

ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп қарра, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи **Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали** (кейинги ўринларда – Портал) фаолият юритмоқда.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат статистика қўмитаси) **давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини** (кейинги ўринларда – Рўйхат) шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда ўз вақтида акс эттирилиши бўйича **фаолиятини мувофиқлаштириш**;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) **Портални техник қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш ҳамда**

"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар зиммасига юкланади.

3. Давлат статистика қўмитаси маркавий апарати тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида **давлат органлари ва ташкилотларининг Порталда Рўйхатни шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишлар учун масъул бўлинма** ташкил этилсин.

Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда бўлинманинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Давлат статистика қўмитасига Портални ривожлантириш фаолиятини амалга ошириш доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, шу жумладан, маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи ички ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш;

Портални ривожлантириш, шунингдек, эълон қилинадиган маълумотларга тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларидан бегараз асосда маслаҳат ёрдами олиш;

ушбу қарорни бажариш доирасида экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан, хорижий) шартнома асосида жалб этиш;

Портални такомиллаштириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун ҳалқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан, грантлари (техник кўмагини) жалб этиш.

(Давоми 2-саҳифада)



Эзгу ташаббуслар ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар таълим тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўзда мужассамлаштирган бешта эзгу ташаббуси бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзмоқда. Ушбу хайрли ҳаракатлар пойтахт вилоятида ҳам астойдил қўллаб-қувватланиб, улар асосида воҳда бўйича тизимли ишлар бошлаб юборилди. Уларнинг дастлабкиси Бўка туманида ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарлари У.Мухаммадиев, Қ.Қуронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф.Маҳмудов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир-ёзувчилар, ёшлар иштирок этди.

Эрта тонгданок пойтахтдан ҳамда вилоят маъмурий маркази Нурафшон шаҳридан йўлга чиққан спорт анжумани, мусиқа ва санъат асбоблари, ўқув куроллари ҳамда китоблар ортланган автобуслар "қарвон"и туман чегарасида кутиб олинди. Чиройли безатилиб, ёнига "Давлат хизматлари", "Халқ қабулхоналари", "Кўча кутубхона", "Маънавият ва маърифат хоналари" ёзувлари битилган автобуслар пештоқдаги давлатимиз байроқларини ҳилпиратиб маҳалла ва гузарлар оралаб борар экан, уларга пешвоз чиққан аҳоли кайфиятида юксак кўтаринкиликни кузатиш мумкин эди.

Ушбу йирик маърифий анжуманга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят жамоатчилиги, таниқли санъат намойендалари, ёзувчи ва шоирларнинг ташриф буюргани тадбирнинг ҳар жиҳатдан мароқли ва қизиқarli бошланишини таъминлади. Бўстон қишлоғи уйингоҳига тўпланган туман ёшлари, хотин-қизлар ва маҳаллий аҳоли Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу эзгу гоини давомли қарсақлар ва шукроналик билан қарши олди. Барчанинг кўзида шодлик, руҳиятида тетиклик. Ушбу ташаббуслар ижроси доирасида туманга қўллаб мусиқа асбоблари келтирилди. 4 та маҳалладаги маданият марказларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича ишлар бошланди. Мавжуд 40 та маҳаллада 2344 нафар спортсевар ёшлар ўртасида сўровлар ўтказилиб, улар янгидан ташкил этилаётган спорт тўғралакларига жалб этилди. Тумандаги 50 дан ортиқ мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига оптик толали алоқа кабеллари ҳамда бошқа алоқа воситалари ўрнатилди.

Айниқса, ахборот ва оммавий коммуникациялар бўйича туман ёшлари орасида китобхонлик тарғиботини ташкил этиш, кутубхоналарни бойитишга катта аҳамият берилди. Тумандаги барча мактаблар ва касб-ҳунар коллежларининг умумий ҳолати, кутубхоналар бўйича фотоальбомлар тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги уч юз номдан ортиқ 5 минг нусхадаги ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларини "Китоб қарвони" доирасида мактаб ва маҳаллаларга хайрия сифатида тарқатди. Жами минг номдан зиёд 18 минг нусхадаги китобларни эса арзон нархларда савдога чиқарди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Тошкентда 10 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари делегациялари ўртасида йиғилиш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумат ва келажак ишлари вазири Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқавий раислик қилган йиғилишда икки мамлакатнинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот фаоллашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24-26 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Ташриф давомида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, инновацион, ҳарбий-техник ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича икки томонлама муносабатларни янада фаоллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда барча келишувларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Йиғилишда Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви тизимидаги эришган ютуқларини Ўзбекистонда татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилди. Икки давлат ўртасида Ўзбекистон давлат бошқаруви самардорлигини ошириш ва мамлакат тараққиётининг миллий стратегиясини яратиш юзасидан ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди. Мазкур ҳамкорлик дастурида ҳукумат акселератори, инновация, давлат бошқаруви ва хизматлари сифати, миллий стратегия, ҳукумат қарорларининг ижро тизими самардорлиги, раҳбарлар таркибини шакллантириш ва кадрлар захирасини яратиш каби масалалар бўйича тегишли стратегиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

– Биз Ўзбекистонга жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган ва бугунги кунда ҳам жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қараймиз, – деди Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқавий. – Юртингиз кейинги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқаро микёсдаги обрўсини мустаҳкамлаш борасида эришаётган ютуқлари бундан далолат беради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда БААга амалга оширган ташрифи мамлакатларимиз муносабатларида тарихий саҳифа очди. Биз Ўзбекистон билан қўллаб-қувватлаш ҳамкорлик қилишга аҳд қилдик.

Тадбирда икки мамлакат ўртасидаги истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтириш, ишчи гуруҳлар тузиш ва уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди ва икки томонлама ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви самардорлигини ошириш борасидаги ислохотларига бағишланган тақдимот ўтказилди. Куннинг иккинчи ярмида икки томонлама ишчи гуруҳларни белгиланган йўналишлар бўйича G2G форматдаги учрашувлари ташкил этилди. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.



ХАЛҚАРО КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшчилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Термиз шаҳрида ташкил этилган анжуманда жаҳоннинг 74 давлатидан 160 дан зиёд иштирокчи ва ЮНЕСКО, Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон каби давлатлардан фахрий меҳмонлар қатнашди.

Фестиваль доирасида ўтказилган бахши-шоирлар, оқин ва жировлар, фольклор жамоаларининг халқаро кўрик-танловда Туркия, Россия, Эрон, Бельгия, Жанубий Корея, Хитой, Мўғулистон, Исроил, Япония, Финляндия, Афғонистон каби 20 мамлакат вакиллари ўз истеъдодини намойиш этди.

(Давоми 2-саҳифада)

Томорқада павлония гулади

Наманган вилояти

Норин туманининг Хўжақўрғонча маҳалласида Истикомат қилаётган Мухаммадшокир Бобоқўжаев кўп йиллардан буён Умарқўжа эшон жомеъ масжидига имомлик қилиб келади. У жамоатчилик орасида нафақат долзарб мавзулардаги маърузалари, балки амалий ишлари билан ҳам ҳурмат, эътибор қозониб келаётир.

ни ўзига чорлади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Хонадонда қорамол, қўй, товуқ, ўрдак, гоз парвариш билан бирга зотдор қўён боқиш ҳам йўлга қўйилган. Мухаммадшокир бу жонзот ҳақидаги қўлланмаларни ўқишдан, соҳага оид тажрибаларни қўллашдан эринмайди. Она қўённинг ҳид билиш сезгирлиги кучли эканлиги, шу сабабли, бегона қўён болаларини нобуд қилиб ташлаши уни изланишга ундади. Қўллаб соҳа эгаларини уйлантириб келаётган муаммага ечим ҳам топди. Нобуд бўлган она қўённинг болаларини бошқа она қўён оиласига қўшишдан олдин барча жониворларнинг озига ош қўйининг суви обдон ишқалаб чиқилди. Натижада она қўён бегона қўёнчаларни ҳам ўз бағрига олди.



– Қозғистондан "Великан", "Фландр" зотли иккита қўённи олиб келиб, павариш қилдим, – дейди қаҳрамонимиз. – 28 кунда 18 тагача бола берди. Шу кунгача 150 тадан кўпроқ зотли қўён боласини ештириб, соҳага қизиққан ҳамқишлоқларимга етказиб бердим. Ҳар бир зотдор қўён 100-150 минг сўмдан сотилди. Икки йил мобайнида қўёнчиликдан 22 миллион сўм фойда кўрдим.

Халқ орасида изланганга имкон кўп, деган гап бежиз тез-тез тилга олинмайди. Кичик томорқадан катта даромад олаётган Мухаммадшокир Бобоқўжаев каби ҳаракатчан, меҳнатсевар юртдошларимизнинг эришаётган ютуқлари бунга яққол мисол бўла олади.

■ Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Мухаммадшокир кўп изланади, китоб мутолаа қилишни ёқтиради. Интернет орқали инновацион янгилар билан танишиб боради. Уларни ўз томорқасида амалда татбиқ этади. Маҳалладашларига ҳам

(Боши 1-саҳифада)
5. Белгилансинки, 2019 йил 1 апрелдан:

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициентини 1,3 бараварга оширган ҳолда қўлланилади;

давлат статистика органлари ходимларига кўп йиллик хизматлари учун ҳар ойлик устамалар қўйидаги миқдорларда тўланади (рабатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошларига нисбатан коэффициентларда): 2 йилдан 5 йилгача – 0,1; 5 йилдан 10 йилгача – 0,2; 10 йилдан 15 йилгача – 0,3; 15 йилдан 20 йилгача – 0,4; 20 йилдан 25 йилгача – 0,5; 25 йилдан ортиқ – 0,6. Кўп йиллик хизматлари учун мукофот пули олиш ҳуқуқини берадиган иш штажи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўлланилади.

6. Қўйидагилар:
Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталини тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекс 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида жойлаштириш учун очiq маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишда устувор халқаро маълумотлар базаларини ўрганиб чиқиш учун маъсул вазирлик ва идоралар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

“Очiq маълумотлар глобал индекси” ва “Очiq маълумотлар барометри” талабларига мувофиқ маълумотларнинг очiqлиги ҳолатини ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталида тегишли индикаторларни жойлаштириш учун маъсул вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Алоҳида тарихий индикаторлар бўйича Статистика салоҳияти индексида мамлакатнинг ўрнини яхшилашга оид “Йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ;

Жаҳон банкининг статистика салоҳияти индекси бўйича йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг мақсадли кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

Халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очiqлиги индексида 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” 6-иловага мувофиқ;

2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида янгиланиши лозим бўлган ахборот-коммуникация тизимлари ускуналари рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қўйидагиларнинг:
а) давлат органлари ва ташиқлотлари раҳбарларининг;

Порталда эълон қилинадиган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончилиги, унинг ўз вақтида шакллантирилиши ва янгиланганлиги;

Порталда жойлаштирилган ахборотнинг мазмуни ва сифати;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси ахборотларининг ошқоралиги ва фойдаланиш эркин-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИНГ СТАТИСТИКА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

лигини таъминлаш;
тегишли ахборотни шакллантиришда халқаро методологик стандартларни, тавсияларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш юзасидан;

б) Агентликнинг Порталдан Ўзбекистон Республикаси тўғрисида зарур ахборотни олишда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун қўлайликлар яратиш юзасидан;

в) Давлат статистика қўмитасининг халқаро тажрибани ва фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Порталда эълон қилинадиган Рўйхатнинг мунтазам янгиланиш турилишини таъминлаш юзасидан шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

8. Агентлик 2019 йил 1 августга қадар Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда маълумотлар тўплами ва улар эгаларининг ягона реестрини шакллантирган ҳолда барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базалари интеграциялаштирилишини назарда тутувчи маълумотларни бошқариш давлат тизимини яратиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқин ва тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган вазирлик ва идоралар Агентлик ҳамда Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда:

2019 йил 10 майга қадар иқтисодий тармоқларидаги жорий иқтисодий ва иқтисодий ўзгаришларнинг миқдор, сифат ва мазмунга оид параметрларини тавсифловчи халқаро кўрсаткичларни ушбу индикаторлар мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан ўрганиб чиқсин;

2019 йил 20 майга қадар иқтисодий тармоқларидаги иқтисодий ва иқтисодий вазиятнинг халқаро кўрсаткичларини ўрганиш асосида Порталда жойлаштирилган Рўйхатни зарур ахборот (индикаторлар) билан, шунингдек, давлат органлари ва ташиқлотларида фойдаланиладиган маълумотлар базалари тизимлари бўйича ахборот билан тўлдирсин;

2019 йил 1 июнга қадар мавжуд бўлмаган индикаторларни шакллантириш методикасини ўрганиш ҳамда кейинчалик Порталда жойлаштириш учун уларни ишлаб чиқиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

10. Ушбу қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган маъсул ижрочилар Агентлик ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 20 майга қадар “Очiq маълумотлар глобал индекси” ва “Очiq маълумотлар барометри” методикасининг асосий йўналишларига мувофиқ маълумотлар очiqлиги ҳолатини ўрганиб чиқсин ва таҳлил қилсин ҳамда мавжуд маълумотларни Порталда эълон қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги;
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар қишлоқ ва кейинчалик Порталда жойлаштириш учун улардан фойдаланиш инноватив олиган ҳолда худуднинг инвестициявий салоҳиятини тўла-тўқис очиб берувчи ахборот ва материаллар рўйхатини Давлат статистика қўмитаси ва Агентликка киритсин;

Портални тақомиллаштириш, шунингдек, давлат органлари ва ташиқлотларнинг очiq маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан, грантлари (техник кўмаги)ни жалб этишда Давлат статистика қўмитасига кўмаклашсин.

12. Давлат статистика қўмитаси ва Агентлик:

а) 2019 йил 1 июнга қадар: Порталда жойлаштиришнинг аниқ мuddатлари ва шакллари белгиланган ҳолда Рўйхатни тасдиқласин;

халқаро маълумотлар базаларини қўшимча равишда ўрганиб чиқсин ва ахборотнинг янги параметрларини ишлаб чиқиш чораларини кўриб, кейинчалик уларни Рўйхатга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдан бошлаб “Очiq маълумотлар глобал индекси” ва “Очiq маълумотлар барометри” халқаро рейтингларида иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

б) уч ой мuddатда Очiq маълумотлар пухталиги модели (“Open Data Maturity Model”) ҳамда бошқа халқаро амалиётлар асосида давлат органлари ва ташиқлотларининг очiq маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш механизмини ишлаб чиқин ва жорий этсин ҳамда натижаларни ҳар чоракда Порталда эълон қилиб босин;

в) давлат органлари ва ташиқлотлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан очiq маълумотларнинг жойлаштирилиши ва мунтазам янгиланганлиги тустидан доимий мониторинг қилинишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат статистика қўмитасининг 2019 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин; ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурининг қийматини ҳисоблашда энг кам иш ҳақи миқдорлари янада оширилганини инобатга олсин;

7-иловага мувофиқ, Давлат статистика қўмитасида янгиланиши лозим бўлган ахборот-коммуникация тизимлари ускуналарини харид қилиш учун 2020-2021 йилларда Дав-

лат бюджетидан Давлат статистика қўмитасига зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

14. Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат статистика органларининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш учун белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган компьютер техникаси, сервер ва коммуникация ускуналари, дастурий таъминот воситалари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлари 2022 йил 1 январга қадар боғжона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва боғжона йўғимларидан ташқари) озод қилинсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: икки ой мuddатда ўз биноларида эга бўлмаган худудий статистика органларини жойлаштириш чораларини кўрсин;

худудий статистика органларининг давлат тасаруфидоги бинолар ва хоналардан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи қиймати “ноль” ставкада белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

2020-2021 йилларда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер текширувларини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази негизда белгиланган штат бирликлари сони доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасини ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтини (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

17. Қўйидагилар Институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин: давлат статистика органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш, шунингдек, касб маҳорати юксак даражада бўлишини таъминлайдиган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

статистика борасидаги кўникмаларни ривожлантириш, таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва уларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, асосан иқтисодий фанлардан иборат бўлган замонавий таълим стандартлари ва сифат жиҳатидан янги ўқиш тизимини жорий этиш;

статистика соҳасидаги илгор таж-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 9 апрель

риба ва илмий-тадқиқот ютуқларини айирбошлаш, шунингдек, мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва стажировка ўташи бўйича маҳаллий ва хорижий илмий ҳамда таълим муассасалари, халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

миллий даражада қўлланиладиган методологик воситалар, давлат ва идоравий статистик кузатувларни халқаро даражада ўйунлаштириш, мослаштириш ва қиёслаш нуктаи назаридан уларни малакали экспертизадан ўтказиш;

кейинчалик амалиётда қўллаш учун илгор статистика методлари ва технологиялари, шунингдек, очiq маълумотлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Порталда тегишли ахборотни эълон қилиш ва янгиланган тартибни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини, шунингдек, нотўғри давлат статистика ҳисоботларини тақдим қилганлиги учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

2019 йил 1 декабрга қадар илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳасини;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда 2019 йил 1 октябрга қадар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очiqлиги тўғрисида”, “Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ҳамда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунларнинг, шунингдек, ахборотни тарқатишга тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг меъёрлари унификациялаштирилишини назарда тутувчи ахборотни тарқатиш соҳасидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Давлат статистика қўмитаси манфадотлар вазирликлари ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

а) қўйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтини ташкил этиш;

2020-2021 йилларда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мультииндикатор кластер текширувини ўтказиш тўғрисидаги ҳуқуқат қарори лойиҳасини;

б) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарини – молия вазирини Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ



ЎзА сурати.

Эзгу ташаббуслар ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР


(Боши 1-саҳифада)

Новобод, Катта равоат ҳамда Ўратепа маҳаллалари аҳолиси ва худуддаги мактаб ўқувчилари билан учрашув ўтказилди. Туман мактабларида энг кўп китоб ўқиш бўйича танлов эълон қилиниб, ғолибларга ёзги таътил чоғида Самарқанд ва Бухоро вилоятларига бепул йўлланмалар бериш белгиланди.

– Бугун ҳаммамда кўп хурсанд бўлаётганлар бизнинг маҳалла аҳли, – десам муболага қилмаган бўлман, – дейди “Бўстон” МФЙ раиси Моҳира Сулаймонова. – Чунки уйда ишси ўтирган 200 нафар қишлоғимиз хотин-қизларининг бандлиги таъминланди. “Ўзпахтасаноат” АЖ томонидан ишга туширилган энгил конструкцияли тикув чеҳи бу борадаги муаммоларни ҳал этди. Бундай тикув чеҳлари бошқа худудларда ҳам қурилмоқда. Биз барча тумандошларимиз номидан ушбу эзгу ташаббусларнинг бошида турган Президентимизга ҳамда унинг ижрочиларига чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

Ташаббуслар ижроси доирасидаги амалий жараёнларни барча туманларга ёйиш режалаштирилган. Тадбир доирасида маҳаллалар, гузарлар, қишлоқлар ва кўчаларни ҳам босқичма-босқич ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Ф.Ибрагимов сўзга чиқди. **Иброҳим ТОШЕВ,**
“Qishloq hayoti” муҳбири.



ЎзА сурати.

ХАЛҚАРО КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Уларнинг ижрочилиқ маҳоратини Франция, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Мўғулистон, Ўзбекистон, Қозғистоннинг таниқли санъат ва маданият намояндалари, олимлар, малакали мутахассислардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати кузатиб ва муносиб баҳолаб борди. 10 апрель кун Термиз шаҳрининг Санъат саройи худудидоги замонавий ёзги саҳнада халқаро кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

Фестивалнинг учинчи даражали дипломи, статуетка ва ҳар бирига 2 минг 500 АҚШ долларидан пул мукофоти қорақалпоғистонлик Гулнора Алламбергенова ва жанубий корейлик Ким Хуо Сунга топширилди. Иккинчи ўринга – жами 7 минг АҚШ доллари миқдоридоги пул мукофотига россиялик Байбулдун Илгам (3,5 минг доллар) ҳамда озарбайжонлик Ашиқ Али ва Ашиқ Шамира (3,5 минг доллар) сазовор бўлди.

Биринчи ўрин ва ҳар бирига 5 минг АҚШ долларидан пул мукофоти Ўзбекистон халқ баҳисини Абдуназар Поёнов ҳамда туркманистонлик Кервен Евбосоровга берилди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Халқаро баҳшичилик санъати фестивали доирасида ўтказилган кўрик-танловнинг бош соврини – Гран-прини ҳамда 7 минг АҚШ доллари миқдоридоги пул мукофотини Қозғистон вакили Улжан Байбусинова кўлга киритди. Ғолибларга махсус диплом ва фестивал статуеткаси ҳам тантанали топширилди.

– Халқаро фестивал кўрик-танловига “Тўрўғли” дostonидан парча кўйлаб бердим, – дейди Гран-при соҳибаси У.Байбусинова. – Шундай нуфузли танловда энг олий ўринни эгаллаганидан бахтиerman. Танлов жуда қизиқarli ўтди. Кўйлаб давлатларнинг халқ озғаси ижоди ва уларни ижро этиш услуби билан танишдик. Тажриба алмашдик. Сурхондарё вилоятининг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларига савҳат қилганимиз ҳам унутулмас таассуротларга бой бўлди. Умуман, ҳаммаси аjoyиб, бу қадимий заминда ўтган кунларим бир умр хотирамда қолади.

Шунингдек, танловда 10 дан ортиқ номинация ғолибларига ҳам диплом ва 500 АҚШ долларидан пул мукофоти берилди.

Анжуман доирасида хориклик ва юртимиз олимлари, мутахассислари иштирокида “Баҳшичилик санъатининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни” мавзусида ташкил этилган йирик илмий-амалий конференциясида АҚШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Туркия каби давлатлардан келган етук фольклоршунос, адабиётшунос ва санъатшунос олимларнинг соҳадаги долзарб муаммоларга бағишланган маърузалари тинлониб, тақдимотлари ўтказилди. Дунё мусиқаси лойиҳалари тақдимотида бағишланган тадбирда ҳам хориклик мутахассислар, санъаткорлар ва мусиқашунослар ўз тақдимотларини намойиш этди.

Фестивалнинг асосий тадбирлари ўтказилган майдондаги этнографик шаҳарчаларда меҳмонлар юртимиз худудларига хос санъат ва хунармандчилик буюмлари кўргазмалари, миллий кадрларимиз ва пазандаларимиз маҳорати билан яқиндан танишди. Сурхондарё вилоятининг тарихий обидалари, муқаддас қадимжолари, бетақор табиати ва бошқа диққатга сазовор жойларига экскурсиялар уюштирилди. Тантанали маросимда юртимиз санъат усталари, баҳшишлар ва ёш ижрочилар томонидан катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирини Б.Сайфуллаев сўзга чиқди.

Холмўмин МАМАТРАЙМОВ,
ЎзА муҳбири.

Қарор ва зарурият

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш ва ушбу жараёнга тижорат банкларининг молиявий маблағларини жалб қилишни таъминлашга қаратилган.

Маълумки, галла ўриш комбайнлари ва пахта териш машиналари қийматбахо техника воситалари сирасига кириди. Шу боис, ушбу техникаларни бирдан сотиб олишга ҳар қандай ташиқлот, корхона ёки хўжалиқнинг ҳам қўрби етавермайди.

Мазкур қарорнинг аҳамияти шундаки, бундай техникаларни етказиб беришни молиялаштириш Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Марказий Банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ошмаган фойз ставкаси бўйича ва қайтарилиш мuddати харажатлар қўлланиши мuddатига қараб, 7 йилдан 10 йилгача бўлган қарз маблағларининг ҳисобига амалга оширилиши иқтисодий жиҳатдан унча бақувват бўлмаган фермерларнинг ҳам харид қилиш имкониятини кенгайтиради. Масалан, баҳоси 700 миллион сўм турадиган галла ўриш комбайнини лизинг орқали сотиб олишни режалаштирган фермер лизинг компаниясига дастлаб, техника баҳосининг муайян кичик фоизига тенг маблағни тўлайди, холос. Қолган қисми ўртада тузилган шартномада белгиланган мuddатда босқичма-босқич лизинг компаниясига тўлаб берилади.

Комбайнлар ва пахта териш машиналарининг лизинг операцияларига жалб қилиниши,

Қишлоқ хўжалигида техника масаласи ечим топди

уларни нафақат “Агросервис МТП” масъулияти чекланган жамиятлари, балки фермер хўжаликлари томонидан ҳам харид этилишини таъминлайди. Бундай техникаси бор фермерлар етиштирилган галла ёки пахта ҳосилини мустақил равишда қисқа мuddатларда нест-нобуд-сиз йиғиштириб олиб, ер майдондан самарали фойдаланиш имконига эга бўлади. Бегона техника учун харажат қилмаган фермернинг етиштирилган махсулоти таннари ҳам ошиб кетмайди. Қолаверса, бошқа фермерларга хизмат кўрсатиб, қўшимча даромад ҳам олиши мумкин.

Республикамиздаги машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилган барча турдаги техникалар ва қўшимча воситаларни харид қилиш учун тузилган кредит ва лизинг шартномалари бўйича фойз харажатларини тижорат банклари ва компаниялари томонидан белгиланган фойз ставкасининг 10 фоизлик пункти миқдоридан Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан

қопланиши қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчи субъектларнинг машина-трактор паркларини юқорида номлари келтирилган техника воситалари билан тўлдириш, шудорлаш, ерларни экишга тайёрлаш, уруғ экиш ва қўқоқчи операцияларини оптимал мuddатларда бажарилишини, пировардида экинлар ҳосилдорлигининг орттишини таъминлайди. Қарорда 2019 йилда тажриба тариқасида Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё

ва Тошкент вилоятларидаги фермерлар, кластерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун тақдимотларнинг 30 фоизини Молия вазирлиги томонидан қўллаб берилишининг белгилаб қўйилганлиги муҳимдир. Масалан, Сирдарё вилоятдаги фермер хўжалиги 2018 йилда 1 тонна пахта хомашёсини МХ-1,8 русумли терим машинасида териб бергани учун “Агросервис МТП” М-Ҳ-нинг туман машина-трактор паркига ўртача 260 минг сўм тўлаган. Агар 2019 йил йиғим-теримдан шу ба

Маълумки, ўтган йили қишлоқ хўжалиги учун анча оғир келганди. Кўплаб вилоятлар каби жанубий ҳудуддаги республика пахтачилиги ва галлачилигининг барометри ҳисобланган Қашқадарё вилоятида ҳам юқори натижаларга эришиш имконияти бўлмади. Шундай ҳолат марказий минтақада жойлашган Тошкент вилоятида ҳам кузатилди. Бунга бевосита ва билвосита сабаблар кўп. Бунда об-ҳавога боғлиқ омилларни тўғрилаш ва бошқариш имконияти деярли йўқ даражада. Лекин, агротехнологик камчиликларни бартараф этишнинг иложи борми, деган савол туғилиши табиий. Бунга асосан илм-фан тадқиқотлари ҳамда кўп йиллик тажрибалар орқали жавоб топиш мумкин.

ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ...

Фермер зайратли, ташаббускор ва албатта, билимли бўлиши керак.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашда "Тақирсимон ва типик бўз тупроқлар шариотида гўза ҳосилдорлигини оширишда унинг қатор ора-ларига ишлов бериш технологиясини та-комиллаштириш (Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари мисолида) қишлоқ хўжалиги фанлари докторлик диссертацияси муваф-фақиятли ҳимоя қилинган. Мазкур таъсир этилган инновацион технологияни жорий этиш натижасида Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шариотида гўзадан гектарига ўртача 42,8 центнер ҳосил олинди, умумий қўлланаётган технологияга нисба-тан кўшимча 5,4 центнерга, Тошкент вилоя-тининг типик бўз тупроқлари шариотида эса мос ҳолда 40,7 центнерга, 3,9-4,7 центнер-га кўшимча ҳосил олинди таъминланган. Мазкур ишланма Қашқадарё вилояти ту-манларида жами 123 минг гектардан зиёд майдонда қўлланилиб, ўртача ҳар гектардан 4-6 центнер кўпроқ ҳосил олинган. Илмий ишланма Тошкент вилоятида ҳам 596 гектар-да жорий этилиб, ҳар гектар майдондан 4-5 центнер кўшимча ҳосил олинган. Шунингдек, бу технологияни қўллаш натижасида топа чиқими 0,3-1,3 фоиз, топа узунлиги 0,9 мм. га, чигит мўдорилиги 0,5-1,1 фоизга ортиши илмий асосланган.

Ўтган йили об-ҳаво шариотида Тошкент вилояти ва бошқа вилоятларда дефолиация ўтказилганлиги қарамасдан юқори ярусда-ги кўсақлар очилмай, ҳосилдорлик пасстроқ бўлди. Бу борада ҳам фанга мурожаат этсак, "Гўза навлари кўсақларининг физиологик етилишига дефолиантларнинг таъсири" мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси ёқланган. Унда Тошкент вилоятида экилаётган "С-6541" ва "Анджон-36" гўза

навлари ҳамда қўлланаётган суюқ ХМД, Авгурон-экстра ва Садаф дефолиантлари-дан фойдаланилган. Пахтадан юқори ҳосил олиш мақсадида "С-6541" гўза навида юқори ярусдаги кўсақлар камиди 35-40 кунлик, "Анджон-36" навида 30-35 кунлик бўлганда Авгурон-экстра (0,15-0,10 л/га) ва Садаф (8-7 л/га) дефолиантини қўллаш тавсия этилган. Шунингдек, бу меъёрларда қўллаш гўза тупларида дефолиация вақтида ҳали очилмай турган кўсақларнинг физиологик-биологик етилишига салбий таъсир кўрсатмаслиги алоҳида таъкидланган. Бироқ вилоятда 35-40 кунлик кўсақлар умуман очилмаганлиги вилоят раҳбарияти ҳамда фермерларни ташвишга қўйди.

Демак, олимлар ва ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлигини кучайтириш, илмий ишланма-ларнинг натижаларини реал шaroитларда тарғибот этиш масалаларини кучайтириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги давр талабига мос ҳолда суғориладиган ерлардан йил давомида самарали фойдаланиш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш тегишли фармон ва қарорларда тўлиқ акс этган. Айниқса, кам ҳосил бераётган гўза, бошқоқли дон экинлари ер майдонларини сабзавотчилик, дончилик, ем-хашак ва бошқа экинларга ажратилишига бағишлан-ган қарордан сўнг, ерлардан йил давомида самарали фойдаланишга эътибор кескин ошди. Фермерлар, деҳқон ва томорқа ер эгаларининг илғор тажрибалари, янги-ликларнинг амалий асослари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб, бунга талаб ва қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Йил мобайнида 2-3 мартагача ҳосил олишнинг назарий асослари борми, деган савол туғилади. Бунга жавоб тариқасида "Суғориладиган ерлардан йил

давомида самарали фойдаланишнинг илмий асослари" мавзусида қишлоқ хў-жалиқ фанлари доктори илмий даражаси муваффақиятли ёқланганлигини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Дис-сертациядаги кенг қамровли тадқиқотлар, яъни суғориладиган ерлардан йил даво-мида самарали фойдаланишда гўзанинг ўрта ва ингичка толали навлари, кузги бугдой, арпа, маккажўхори, мош, кечки оқбош қарам, пивё, картошка, помидор экинларини мақбул парваришлаш агротех-нологияларининг элементлари, суғориш

тартиби, давомийлиги, маъданли ўғит-лар, кўчат қалинлиги комплекс равишда ўрганилиб, йилига 2-3 мартага ҳосил етиштиришнинг мақбул агротехнология-лари ишлаб чиқилган. Натижалар Сур-хондарё ва Тошкент вилоятлари фермер хўжалиқларида 11,5 минг гектарда жорий этилиб, экин турларига қараб ҳар гектар-дан 705,8 минг сўмдан 2 миллион 730 минг сўмгача шартли соф фойда олинди, рентабеллик даражаси 64,7-74,1 фоизни ташкил этган.

Қайд этиш жоизки, Тошкент давлат университети ҳар йили мингдан ортиқ талаба битиради. Биз бугун таълим бера-ётган кадрлар эртага соҳада эришилаётган ютуқларни таъминлайди. Бу эса жуда катта масъулият. Кадрлар малакаси ва билимини янада ошириш тизимини замонавий мута-хассислар билан таъминлаш жуда зарурдир.

Шу мақсадда бир қатор хорижий таълим даргоҳлари жумладан, Россия, Германия, Жанубий Корея, АҚШ, Польша давлатлари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермерлар ҳақида сўз юритиб, уларнинг малакасини ошириш давр талаби эканлигини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам бу аграр соҳадаги жиддий муаммолардан ҳамда оғриқли нуқталардан бири ҳисобланади. Фермерлар асосий қисмининг қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича етарли билим, тажриба ҳамда олий маъ-лумотга эга эмаслиги сабабли соҳа талаб даражасида ривожланмаётганлиги ҳам айтиш мумкин. Демак, уларнинг кўпчилиги соҳа эгаси эмас, ҳаваскор эки унинг "хоббийси" ҳисобланади.

Бу борадаги хорижий амалиётга эъти-борни қаратсак. Ривожланган бирор-бир давлатда қишлоқ хўжалигининг ўша соҳаси бўйича сертификати, дипломи бўлмаса, ер

майдони, қорва моллари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги объектлари умуман берилмайди. Бу ота-боболаримизнинг "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган нақлига тўғри кела-ди. Хорижда қишлоқ хўжалиги ривожининг асоси, негизи шундан бошланади. Тўғри, уларда куч-гайрат, ташаббус ва ерга меҳр бор. Лекин, билим тажриба бўлмаса, ал-батта, "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўғғалар" қабилида иш юритишга мажбур бўлади. Айниқса, бугунги кун фермери назар-да ва амалий билимга эга бўлиши шарт. Шу боис, жойларда фермерларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ҳамда инноваци-он технологияларни кенг тарғиб этишда ва услубий ёрдамлар кўрсатишда университе-тимиз профессор олимлари, албатта, фаол иштирок этадилар.

Ҳозирда Тошкент давлат аграр уни-верситети ҳамда унинг Нукус, Андижон ва Термиз филиалларида фермерлар мала-касини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этилган бўлиб, ўқув дастурларини муттасил такомиллаштириб боришни ўз зиммамызга олганмиз.

Маълумки, Ўзбекистоннинг турли хил сабзавот ва полиз экинларининг маҳал-лий навлари, уларнинг таъқи қўрилиши, ифори ва ёқимли мазаси дунёда эъти-роф этилган. Лекин, негизий сўнгги йил-ларда ўзимизнинг эмас, балки хорижий навларни етиштириш кучли даражада "урф"га кирди. Чет эл навларини экиб, маҳсулот экспорт қилсак, бу ўша Голланд-дия, Германия дурагайининг рекламаси кенгайишига хизмат қилади. Демак, биз ўзимизнинг ноёб нав, дурагайларимизни экиб, маҳсулотни етиштириб, "Ўзбекистон маҳсулоти" ёрлигини босишга, бозорда ўз ўрнинини эгаллашга ҳаракат қилишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари "Уруғчилик экспорти 2030" дастурини ишлаб чиқиш ва экспорт ҳажмини 2030 йилгача 1 ми-ллиард долларгача етказиш топширигини ҳам бежиз берганлари йўқ. Энг муҳими, давлат хусусий шерикчилиги асосида янги уруғчилик кластерлари ташкил этилиши белгиланган. Ана шунда биз ички бозор-ни зарур маҳсулотлар билан тўлдириб ва экспорт қилишдан ташқари, уларнинг сифатли уруғларини ҳам экспорт қилиш имконига эришамиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг селекция ва уруғчилик билан бевосита шуғулланиди-ган институтларнинг моддий-техник ба-засини яхшилашга қаратилган эътибори соҳа илм-фани ахлини жуда қувонтирди. Бунинг натижасида рақобатбардор нав ва дурагайларни яратишга йўналтирилган селекция ва бирламчи уруғчилик тадқиқот-лари янада жонланади ва тикланади, деб умид билдирамыз.

Б. СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети
ректори, академик
Р.ТИЛЛАЕВ,
профессор.



МУТАСАДДИЛАР муаммони нега бекитмоқда?

Мирзаобод туманидаги Тошкент маҳалласи ҳудуди вилоят маркази Гулистон шаҳрига туташиб кетган аммо негизий шариотлари туташмай қолган-да. Маҳалладаги 34 та кўчанинг барчаси ўйдим-чуқур. Қор-ёмғирли кунларда чуқурлар кўлмак бўлиб, бора-бора балчиққа айланиб кетади. Пиёдаларни кўя туринг, автомобиль ҳайдовчилари, маҳаллага меҳмонга келиб кетувчилар ҳам бундан қаттиқ азият чекумоқда. Айниқса, жажжи фарзандларини боғчага олиб борадиган ота-оналарнинг ҳасратидан чанг чиқади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Аслини олганда маҳаллага туташ, бўлган вилоят маркази Гулистон шаҳрига қарашли Ма-даният маҳалласидаги йўлларнинг ҳам аҳоли ёмон. Шаҳар тугаб, қишлоқ бошланаётган жой бўлганлиги учунми, шаҳар адоғидаги бу маҳалла кўчалари ҳам талабга жавоб бермайди. Шаҳарда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бораётган мутасаддилар эса Маданият маҳалласидаги йўлларни сошлаш, таъмирлаш ишларига негизий панжа ора-сидан қараб келишаётир. Аҳо-лининг йўлларни таъмирлаш ҳақидаги талаб ва истақлари ҳам неча йиллардан буён ижо-бат топмапти.

"Тошкент" ва "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилаётганларнинг ай-тишича, ушбу кўчалардаги йўл-лар бундан йигирма йил олдин ташаббускор инсон Маҳбулла Ибодуллоевнинг (охираги обод бўлсин) савий-ҳаракати билан ас-фальтаниб, таъмирланган экан. – Кўчаларнинг ўйдим-чуқур-

лиги, киш, баҳор ва куз ойларида доимий равишда кўлмак бўлиб ётганлиги сабабли набиралари-мизни боғча ва мактабга олиб боришда қийнамамыз, – дейди Тошкент маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Қўшнарар Аб-дурахмонов. – Гулистон шаҳрига бирор юмуш билан бориб ке-лишнинг ўзи бир азоб. Айниқ-са, таъзияли кунларда майитни чиқариш жуда азоба айланади. Келиб-кетувчилар ва азадорлар-га ушбу кун оғир ўтади. Мирза-обод тумани ва Гулистон шаҳар ҳокимлигидаги масъуллар эса кўп йиллардан буён бу янгли ҳолатни билганлари ҳолда томо-шабин бўлиб келишаётир.

Гулистон шаҳри ва Мирза-обод тумани ҳокимлигидаги раҳ-барлар бу манзараларни келиб текширувчи "комиссия"лардан яшириш, уларни чалғитиш учун катта йўл ёқасидаги ариқ бўй-ига темир тўсинлар ўрнатиб чиқмоқда. Уларнинг бу амали ҳам бир жиҳатдан тўғри. Сирт-дан қараган киши маҳалладаги ҳақиқий маънадаги беҳабар-лигича ўтиб кетаверади. Бунинг учун муаммонинг энг "осон ечи-ми"ни топан мутасаддиларга "тасаннолар" айтсанг, арзийди.

Ёнғиннинг жамиятимизга, оилаларга зарарини билмайдиган инсон йўқ. Аммо шуни била туриб, унинг келиб чиқишига йўл қўйиш, сабабчи бўлишни қандай тушуниш мумкин.

ХАВФИНИ БИЛАМИЗМИ, олдини олишни ҳам билайлик!

Ёнғин келиб чиқишининг бош сабаби, одамларнинг эъти-борсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қондаларига нописанд қарашидир.

2018 йил давомида Серге-ли тумани ҳудудида 158 марта ёнғин содир бўлди. Ундан одам-ларга миллионлаб сўмдаги мод-дий зарар етди. Энг ёмони, бир

инсон оламдан ўтди, икки киши оғир тан жароҳати олди.

Кўриниб турибдики, ёнғин-нинг оқибати ёмон. Бунинг ҳам-мамиз биламиз. Демак, унинг олдини олишни, ундан эҳтиёт бўлишни ҳам билайлик!

Н.БУРҲОНОВ,
Сергели тумани ЁХБ инспектори.

ЎЭълонлар

"Учқўрғон дон маҳсулотлари" АЖ

Қорхонада ишлаб чиқарилаётган тўла қийматли ва оқсилга бойитилган йирик шохли қорамоллар учун сифатли омихта ем маҳсулотини товар-хонашёр биржаси орқали барча турдаги Паррандачилик ва балиқчилик хўжалиқларида буюртма асосида паррандалар ва балиқлар учун омихта ем ишлаб берилди.

Кўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Наманган вилояти Учқўрғон ш. П.Турсун кўчаси 1-уй. Тел.: (69) 462-00-41.

Хўрматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" мчж

такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томони-дан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қо-шидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 8 апрелдаги 423-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар чиқарилган:

- Навоий вилояти, Қонимех туманида жойлашган "Қизилқум деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 4348,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 1450,0 кв.метр, 7 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 1 521 953 000 сўм.**
- Жиззах вилояти, Ш.Рашидов туманида жой-лашган "Учтепа деҳқон бозори" 2 қаватли мажмуа-си. Умумий майдони 6498 кв.метр, қурилиш ости майдони 924,13 кв.метр, 4 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 2 092 212 000 сўм.**
- 3. Андижон вилояти Асака туманида жойлаш-ган "Асака деҳқон бозори" 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 3666,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 2846,8 кв.метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси – 7 275 354 000 сўм.**
- 4. Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа тумани "Эллиқалъа деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Уму-мий майдони 16700,0 кв.метр, қурилиш майдони 2497,36 кв.метр, 3 та корпусдан иборат. **Бош-ланғич баҳоси – 3 617 020 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2019 йил 18 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамчи кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кун-дан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридagi мулклар 2019 йил 18 апрель куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 23, 29 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўткази-лиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: – юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўт-казилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончно-ма, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси; – жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вақил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.



Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 1 фозиздан кам бўлма-ган миқдорда закатат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширигунга қадар тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабномалар қа-бул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамчи кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Хоразм вилояти

Кейинги йилларда вилоятда хорижий технологиялар асосида қурилаётган гидропоника усулидаги иссиқхоналар кўпаймоқда.

Гидропоника усули қўл келяпти

Янгиариқ туманидаги "Асқа-ров Норимон" фермер хўжалиги ҳам ўтган йили вилоятда бирин-чилардан бўлиб шу усулдаги бир гектарлик иссиқхонани қурган эди. Эрон технологияси бўйича қурилган гидропоника иссиқхо-насида бу йил иккинчи ҳосил йиғиштириб олинди.

– Ўтган йили иссиқхона сал кечроқ ишга тушгани туфайли тажриба сифатида бодринг эк-кан эдик, – дейди фермер Бек-зод Норимонов. – Шунда ҳам ҳосил ёмон бўлмади. 60 тон-на атрофида бодринг сотишга эришдик.

Фермер хўжалиги аъзолари иссиқхонада кўчат ўстиришни ма-ромида олиб борапти. Ҳозир у ерда бодринг, тарвуз, помидор

ва булғор қалампери кўчатлари етиштирилмоқда. Тайёр кўчатлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят туманларида иссиқ-хона ташкил этган фермерлар ва томорқа эгаларига сотилапти.

– Эрон технологияси асоси-даги мазкур иссиқхонадан яна биттасини қуряпмиз, – дейди хўжалик иш бошқарувчиси Улуғ-бек Асқаров. – Ниятимиз, халқ-имиз дастурхонини тўқин қилиш, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўиш.

Ҳозирда фермер хўжалиги-нинг иссиқхонасида 12 нафар ишчи ишламоқда. Яна бир ис-сиқхонанинг ишга тушиши билан яна шунча иш ўрни яратилади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий вилояти

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш учун Навоий вилоятидаги тез тиббий ёрдам муассасалари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 23 та "Дамас" русусумли "Тез ёрдам" автотранспорт воситаси билан таъминланди.

Тез тиббий ёрдам сифати ошмоқда

Улар тиббиёт соҳаси фи-дойилари, фахрийлари, кенг жамоатчилик вақиллари ишти-рокида тантанали равишда топ-ширилди.

Бугунги кунда аҳолига кўр-сатилаётган тез тиббий ёр-дам сифатини янада ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини муста-ҳкамлаш масалалари ҳар қачонгиданда устувор аҳамият касб этмоқда. Вилоятда бирги-

на ўтган йилнинг ўзида маҳал-лий бюджет ҳисобидан 4 ми-ллиард 824 миллион сўм маблаг ажратилиб, мазкур тармоқнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланганлиги ҳам бу борадаги ижобий ишлардан далолат беради.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими К.Турсунов иштирок этди.

Отабек АСПОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЭълонлар


"DANIEL HILL" МЧЖ таъсисчиси ва мулкдари Билан Сирте 2018 й. 7 апрелдаги қирри ва темир йўлидаги байновларига асосан "DANIEL HILL HOTEL" МЧЖга ўқиб қўйиб берилди. Мурожаат учун тел.: (71) 207-63-63.

Тошкент ш. Шайхонтоғул т. Давлат имтиҳон маркази томондан 17.07.2018 й. 622917 рақам билан ўрганилган "SHARHAROVLIK HILL LITTLARI EKSPERTIZASI DAVLAT UMLAT KORXONASINING TOSHKENT VILOYATI AGI ZHO VA KORXONASI" (СТИР 309654701) МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Қўриқлиш Вақиллигине 2018 й. 20 август-даги 149-сонли буюртма асосан юлбарий туғилишини маълум қилди. Дебитор ва кредититор оқило чиндан кундан бошлаб 25 (енг) ой иккидиги етказиб қўйишга мажбур қилинган мумкин. Тошкент ш. Шайхонтоғул т. АБай кўчаси 6-уй. Тел.: (71) 244-28-04.

Еттидан етмишгача эмас...

Халқаро бахшичилик фестивалида 5 ёшли боладан торттиб 90 ёшдан ошганлар ҳам иштирок этди

Президентимизнинг ташаббуси билан Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик фестивалида нафақат юртимиз ёш бахшилари, балки ёш тўқсондан ошган хорижлик бахшилар ҳам санътини намойиш этди. Хусусан, тажикistonлик 90 ёшдан ошган бахши, тожик халқининг "Гуруғли" достонининг моҳир ижрочиси Хотам Ҳакимов, еттидан ошган шогирди Азизбек Зиев ва яна бир ёш шогирди Ашурмаҳмад Бобокалонов билан иштирок этди.



чанқовуз чалишни ўрганмоқда. Достонлардан парчалар ёд олиб, ушбу танловда қатнашаётгани бизнинг, оиламизнинг бахти, муваффақиятидир.

— Ғолибжон тенгдошларига, дўстларига ҳар соҳада ўрнатилган бўлмоқда, — дейди Термиз шаҳридаги 15 МТМ мудираси Лайло Ғаниева. — Айниқса, қадим бахшичилигимиз, сурхонча аънамининг билан шугулланаётгани ҳаммамизни, боғча опаларини хурсанд қилди. Шаҳримизда Бахшичилик мактабининг яратилиши, ҳар икки йилда бахшилар халқаро байрамнинг воқеасида нишонланиши унинг қаби болаларимизда, ёш авлодимизда ўзига бўлган ишончини, гурурли, ҳавасни, мақсадни оширади. Мана бугун, боғча болаларини байрам ўтказилган асосий майдонга экскурсияга олиб келдик. Ишонасизми, болалар чанқовузни мустақил чалишяпти. Мана сизга истезоднинг тугилиши, мана сизга эътиборнинг самараси. Илоҳим, болаларимиз билимли ва истеъдодли бўлсин, ота-онасининг, устозларининг ишончини оқлаб юрсин!

Дарҳақиқат, ушбу халқаро танловда Ғолибжондек ёш бахшилар қадим достонларимизни шундай ҳиргойи қилмоқдаки, кўриб, эшитиб кўнглингиз тоғдай кўтарилди. Ёш ва умидли бахшиларимизнинг келажагига омадлар тилаб қоламиз.

Кумуш ҲАМРОЕВА

Фестивалда иштирок этган энг ёш хорижлик бахши сажиз ёшли малайзиялик Камарул Баихақи Бин Камарул Баисах. У ёш бўлишига қармасдан, миллий санътини дунёга танитишга бел боғлаган. Корея Республикаси жамоаси эса энг кекса жамоадир. Ун уч нафар корейлик бахшиларнинг энг ёш аъзоси 53 ёш.

Фестивалнинг энг ёш қатнашчиси эса юрдошимиз 5 ёшли Ғолибжон бахшидир. У жуда интилувчан, қизиқувчан бола. Онаси инглиз тили ўқитувчиси бўлгани учун ҳозирдан инглиз тилини мустақил ўргатмоқда. Қолаверса, у боғчада карате, рус тили тўғралакларига ҳам мунтазам қатнайд.

— Уғил бола тоғасига тортди, деганлари рост экан, — дейди Ғолибжон Ориповнинг онаси Севара Темирова. — Укам Исқандар Темиров бошловчи, актёр, қизқичи... Уғлимни биринчи саҳнага



Реклама ва эълонлар

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-SEMA» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибутори

одд томонга йўналтирилган ва универсал юккачиқлар МТЗ базасидаги юккачиқ экскаваторлар занжирли ва гилдиракли экскаваторлар санкилли юккачиқлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар

Узбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар гидравлика

Махсулотлар сертификатланган.

Моб: 90-974-00-61, 90-974-00-82. Тел: 71-283-42-17.

Ўзбекистон Республикаси, 100005 Тошкент шаҳри 8 март кўчаси 57-йў. E-mail: sales@amkodor.uz, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ) 80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- «Беларусь» тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Махсулотлар сертификатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таърифидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бosh муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бosh муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бosh муҳаррир ўринбосари), Сухроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Иجتимой-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Реклама

«Ўзагротексаноатхолдинг» АЖ тизимидаги
«ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ»
акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.

Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси 434 уй.
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71) 264-08-12, (71) 264-77-48. Info@TZST.uz.

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

ПАХТА LIZING

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ УЧУН
ТЕХНИКАЛАР, ШИНАЛАР, ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

Манзил: Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
Кичик ҳалқа йўли кўчаси 52-уй.
Телефон: (+998 71) 150-10-56; +998 71 150-02-16;
(+998 95) 177-10-56; +998 95 177-02-16.
e-mail: info@paxtalizing.uz www.paxtalizing.uz

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон — (+99893) 630-73-03;
Бухоро — (+99891) 401-29-59;
Жиззах — (+99893) 940-10-78;
Навоий — (+99891) 332-50-99;
Наманган — (+99893) 948-53-86;
Фарғона — (+99890) 407-76-03;
Самарқанд — (+99897) 575-50-67;
Сирдарё — (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё — (+99890) 520-20-05;
Тошкент — (+99890) 976-39-58;
Хоразм — (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё — (+99897) 290-28-88

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-425, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 841 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ — 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 01.30

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ